



2018 у.г. «9» июль

№ 1620 -К

Ziyovuddin sh., – п.т. Зиёвуддин

Пахтачи туман ҳокимининг 2013 йил 3 октябрдаги «GRK ALYANS» хусусий корхонасига туманнинг Қарнабота ширкат хужалиги ҳудудидаги фойдали қазилма конидан фойдаланиш учун ер ажратиш тўғрисидаги №527-Қ сонли қарорига қўшимча ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

Туманда саноатни ривожлантириш орқали туман иқтисодиётини кўтариш мақсадида мавжуд саноат корхоналари ва саноат ишлаб чиқариши йўналишида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар муоммаларини ўрганиш ва ваколат доирасида амалий ёрдам бериш юзасидан берилган топшириқлар натижасида ҳозирги «Қарнабота» МЧЖ ҳудудида «GRK ALYANS» хусусий корхонаси тамонидан 2012 йилда ўтказилган қазилма бойликларни мақсадли техник иқтисодий баҳолаш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қабри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш буйича комиссияси» тамонидан «GRK ALYANS» хусусий корхонасига «Центральный участка» сидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун 2013 йил 28 июндаги SM 0027 F5 лицензияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг 2013 йил 31 май даги 1079 сонли қон ажратиш далолатномаси, Пахтачи туман ҳокими тамонидан 2013 йил 20 февралдаги 01/85 сонли хати орқали ер участкаси ажратиб бериш қафолатланган жойдан, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитасининг 2013 йил 30 майдаги 18/472 з давлат экологик экспертиза ҳулосаси ва бошқа ҳужжатлар асосида «GRK ALYANS» хусусий корхонасига 10 га ер майдони ажратиб берилган. «GRK ALYANS» хусусий корхонаси ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида мавжуд ер майдонини яна 9 гектарга кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни электр қуввати билан таминлаш лозимлиги аниқланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда «GRK ALYANS» хусусий корхонасининг 2018 йил 30 мартдаги № 12 сонли хати асосида тайёрланган «Туманда қурилиш ва ноқишлоқ хужалик мақсадлари учун ер майдони танлаш ва уни тасдиқлаш комиссияси»нинг 2018 йил 10 июндаги «GRK ALYANS» хусусий кор хонасига яна 9 га ер майдони ажратиш ва 4 км узунликда ташқи электр тармоғи қуриш учун ер участкасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги далолатномасини, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитасининг 2016 йил 16 сентябрдаги

табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 2016 йил 16 сентябрдаги
18/1493 з ва Самарқанд вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофазаси қилиш
бошқармасининг 2018 йил 30 майдаги 18/472 з давлат экологик экспертиза
хулосасини, «GRK ALYANS» хусусий корхонасининг 2018 йил 14 июндаги
№21 сонли хатини кўриб чиқиб Ер кодексининг 6-моддаси ва Маҳаллий
давлат ҳокимияти тугрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. «Туманда қурилиш ва нокишлоқ хужалиқ мақсадлари учун ер майдони танлаш ва уни тасдиқлаш комиссияси»нинг 2018 йил 10 июндаги «GRK ALYANS» хусусий корхонасига «каолин» хом ашёси казиб олиш, ишлаб чиқариш майдонини кенгайтириш, электр тармоғи қуриш учун ер ажратиб бериш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. «GRK ALYANS» хусусий корхонасига хужжатларда белгиланган жойлардан - Кон учун -7,9 га ; ер юза қатлами тупроқларини тўплаш учун - 0,85 га ; мадан тўплаш очиқ омбори учун 1,8 га, саноат ишлаб чиқариш базаси ва ишчилар тунаб қолиш жойлари (лагерь) учун 1,5 га, қон йўллари учун 0,7 га ва бошқа мақсадлар учун 6,25 га жами 19 га ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктириб берилсин ҳамда 4 км узунликда (2,4 га) 6 -10 кв. ли ҳаво электр тармоғини лойиҳалаш ва қуришга руҳсат этилсин.
3. «GRK ALYANS» хусусий корхонаси (А.О.Сарқисян)га , ажратиб берилган ер участкасидан ҳуқуқий ва миёерий хужжатларда белгиланган тартибда фойдаланиш ва мазкур қарор асосида ҳуқуқ турини давлат руйхатидан ўтказиш топширилсин.
4. Ажратилаётган ер участкасида кишлоқ хужалиғи, ўрмон хужалиғи ишлаб чиқариш нобудгарчиликлари ва хужалиқга етказилиши мумкин булган зарарлар мавжуд эмаслиғи белгилаб қўйилсин.
5. Ушбу қарор қабул қилиш муносабати билан туман ҳокимининг 2013 йил 3-октябрдаги № 527-Қ-сонли қарорининг 2-банди ўз кучини юқотган деб ҳисобланиб, мазкур қарорга ўзгартириш киритилган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Самарқанд вилоят ҳокимидан сўралсин.
7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари Н.Эшдавлатов зиммасига юклатилсин.

В.Рахимов.

Туман ҳокими: